

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan  
yo'llar – hissiy anglash, rost xabar va aqldir.

Imom Moturidiy

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



4/2022

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

**Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 04-07/8931-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**

**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**

**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**

**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**

**Зарифжон Ғуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатида киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

<b>Zohidjon Islamov.</b> «Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили.....	5
<b>Ramil Adygamov.</b> Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия.....	13
<b>Zafar Fakhriddinov.</b> «Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили .....	23
<b>Jurabek Chutmatov.</b> Ҳаким Термизий тафсирининг илк наشري .....	31
<b>Ahmadkhan Alimov.</b> Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари.....	42

### ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

<b>Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.</b> Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Куръондан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби .....	51
<b>Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.</b> Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim.....	59

### ДИНШУНОСЛИК

<b>Nigora Yusupova.</b> Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг ҳуқуқий асослари .....	65
<b>Odiljon Ernazarov.</b> Shamsuddin Samarqandiyning xristianlik haqidagi qarashlari .....	74
<b>Jurabek Sodikov.</b> «Ta'vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e'tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili .....	80
<b>Shahzoda Abduraimova.</b> Distribution of religious media contents on websites in Germany .....	90
<b>Behzodbek Soipov.</b> Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамойилининг аҳамияти.....	96

### ИСЛОМ ТАРИХИ

<b>Sanabar Djurayeva.</b> Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi .....	103
<b>Muhabbatkhan Agzamova.</b> «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий ёритишдаги аҳамияти .....	108

**Lola Azimova.**

Марказий Осиё цивилизацияси ривожда илмий масканларнинг ўрни..... 115

**Oybek Sotvoldiyev.**

«Ат-Табакот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида ..... 122

**Zarifjon Arslonov.**

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan mavzular tahlili ..... 130

**ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ**

**Doniyor Muratov.**

Арбаин жанри хусусида ..... 139

**Akmalkhan Akmalkhanov.**

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini ..... 148

**Dilfuza Sagdullaeva.**

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услубий хусусиятлари ..... 156

**Feruza Nizamova.**

Dehlaviy ijodida badiiyat an‘analari ..... 163

**Bahodirjon Azamov.**

Ҳақим Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг манбашунослик таҳлили ..... 171

**Oybek Kh. SOTVOLDIYEV,**  
*Doctor of Philosophy (PhD),*  
*Head of the Department at the Imam Maturidi*  
*International Scientific Research Center*  
*A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.*  
*E-mail: oybeksaydali1996@gmail.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/16

**«АТ-ТАБАҚОТ АЛ-КУБРО» АСАРИ –  
СИЙРАТ ВА ТАРОЖИМГА ОИД МАНБА  
СИФАТИДА**

**THE WORK «AT-TABAQAT  
AL-KUBRA» AS A SOURCE ON  
SEERAN AND TARAJIM**

**ТРУД «АТ-ТАБАКАТ  
АЛЬ-КУБРА» КАК ИСТОЧНИК ПО  
ЖИЗНЕОПИСАНИЮ ПРОРОКА И  
БИОГРАФИИ**

**КИРИШ**

Маълумки, илк ислом тарихини ўрганишда сийрат ва тарожим жанрида ёзилган асарлар муҳим манба вазифасини ўтаб келган. Мана шундай қимматли манбалардан бири «Ибн Саъд» номи билан танилган аббосийлар даври тарихчиси Муҳаммад ибн Саъд Зухрийнинг (ваф. 230/845) «ат-Табақот ал-кубро» асаридир. Мазкур асарда Пайғамбар (с.а.в.)нинг сийратлари, саҳобий, тобей ва таба тобейлардан беш мингдан ортиқ кишининг таржимаи ҳоли ёритилган. Асар пайғамбарлар тарихи, жоҳилия даври, илк ислом даври, рошид халифалар, умавийлар ва аббосийлар даври бўйича муҳим маълумотлар тақдим қилади.

Асар иккита асосий бўлимдан таркиб топган. Булар сийрат ва табақот (саҳобий, тобей ва таба тобейлар таржимаи ҳоли) бўлимларидир. Сийрат бўлими муаллифнинг шогирди Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома тарафидан нақл қилинган (Ибн Саъд, 1957: 9). Асарнинг табақот қисми эса муаллифнинг талабаларидан Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома ва Ҳусайн ибн Фаҳум тарафидан ривоят қилинган (Bir lim Bir Eser, 2015: 184). Сийрат бўлимида Пайғамбар (с.а.в.) билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг хронологик кетма-кетлигига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, маълум мавзуга доир маълумотлар бир сарлавҳа

остида жамланиб, улар орасидаги тарқоқликни бартараф қилишга ҳам уринилган. Табақот бўлими эса кишиларнинг Пайғамбар (с.а.в.)га яқинлиги, исломга кириш тарихи, яшаган жойи каби хусусиятларга кўра табақалар шаклида тартибланган.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Асарнинг сийратга оид бўлими сийрат, мағозий ва шамоил мавзуларини ўз ичига олади. «Мактабатул-Хонжий» нашрида мазкур бўлим асарнинг дастлабки икки жилдини қамраб олган. Биринчи жилд уч қисмдан ташкил топган. Биринчи қисмда Пайғамбар (с.а.в.)нинг насл-насаблари ва шажараларининг бошқа пайғамбарларга етиб бориши очиб берилган (Ибн Саъд, 2001: 4-40). Шу маънода Одам ва Ҳавво, Идрис, Нух, Иброҳим, Исмоил (а.с.)лар, Муҳаммад (с.а.в.) билан Одам (а.с.) орасида ўтган йиллар ва асрлар, Пайғамбар (с.а.в.)нинг исмлари, аждодлари, она ва момолари, боболаридан Қусай, Абдуманоф, Ҳошим ва Абдулмутталиб, оталари Абдуллоҳ ва оналари Омина бинт Ваҳбнинг турмуш қуришлари, Пайғамбар (с.а.в.)нинг Маккадаги нубувватдан аввалги ва кейинги ҳаётлари баён қилинган. Бу қисмда муаллиф асосан Набий (а.с.) насабларининг пок эканини кўрсатиб берган. Ибн Саъд мазкур қисмни ёзишда устози Воқидийга кўп бора мурожаат қилган бўлса-да, бошқа устозларининг ривоятларидан ҳам унумли фойдаланган. Ибн Саъддан кейин Табарий, Ибнул Асир ва Ибн Касир каби тарихчилар ҳам айна методни қўллаган ҳолда ўз асарларида Одам (а.с.)нинг яратилишидан бошлаб, қадим даврларга оид маълумотларни батафсил келтиришга уринганлар.

Асарнинг биринчи жилди иккинчи қисмида пайғамбарликдан аввалги ва кейинги ҳодисаларни ўз ичига олган Макка даври ҳақида сўз юритилади. Учинчи қисмда эса муаллиф ҳижратдан кейинги даврни барча тафсилотлари билан ёритиб беришга ҳаракат қилган. Мазкур бўлимда Ибн Саъд Пайғамбар (с.а.в.)нинг давлат раҳбарлари ва қабила раисларига юборган даъват мактублари, Мадинага келган ҳайъатлар ҳақидаги ривоятларни бир ерда жамлаган. Ушбу ривоятларда турли ҳудудларда тарқалган динлар, бошқарув ва идора шакли, ижтимоий тузум каби бир қатор масалаларни ёритишга ёрдам берувчи муҳим маълумотлар учрайди. Бу эса асарнинг қийматини янада оширади.

**Аннотация.** Жаҳон мамлакатларида ислом тарихи ва маданиятини ўрганиш жараёнида бирламчи тарихий манбаларга алоҳида эътибор қаратилади. Улар орасида биографик туркумдаги сийрат ва тарожим китоблари алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу китобларда машҳур олимлар, ҳукмдорлар, қўмондонлар сингари ислом тарихида муҳим роль ўйнаган шахслар ҳақида сўз юритилади. Табақот жанридаги манбалар орасида аббосийлар даври тарихчиси Муҳаммад ибн Саъд Зухрий (784-845) қаламига мансуб «ат-Табақот ал-кубро» асари жоҳилия давридан IX аср ўрталаригача бўлган ислом тарихини, ушбу давр орталигида яшаб ўтган мусулмон олимлар таржимаи ҳолини ўзида жамлагани билан ажралиб туради. Асар Марказий Осиё ҳудудидаги дастлабки мусулмон олимлар фаолияти ҳақида маълумот бериши билан ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу мақолада «ат-Табақот ал-кубро» асарининг сийрат ва тарожим йўналишида манба сифатидаги аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, мақолада асарнинг умумий таркибий тузилиши, боблари, мавзулари, саҳобий ва тобейларнинг табақаларга бўлиниш тартиби, ҳар бир табақа қамраб олган шахслар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Муаллифнинг шахслар ҳақидаги биографик маълумотларни келтиришида эътибор қаратган жиҳатлари, асарнинг ижобий тарафлари ва маълум камчиликлари тадқиқ этилган.

**Калим сўзлар:** Ибн Саъд, ат-Табақот ал-кубро, сийрат, табақот, тарожим, шамоил, далоил, саҳобий, тобей, газот, сарийя.

**Abstract.** In the process of studying the history and culture of Islam in the countries of the world, special attention is paid to primary historical sources. Among them, biographical series of books of seerah and tarajim occupy a special place. These books talk about people who played an important role in the history of Islam, such as famous scholars, rulers, and commanders. Among the sources in the tabaqat genre, the work «at-Tabaqat al-Kubra» written by the historian of the Abbasid period, Muhammad ibn Sa'd Zuhri (784-845), is distinguished by the fact that it covers the history of Islam from the Jahiliyyah period to the middle of the 9th century, and the biographies of Muslim scholars who lived between this period. The work is also of great importance as it provides information about the activities of early Muslim scholars in Central Asia. This article reveals the importance of the work «at-Tabaqat al-Kubra» as a source in the direction of seerah and tarajim. Also, the article analyzes the general structure of the work, its chapters, topics, the division of companions and followers into classes, and information about the persons covered in each class. Aspects that the author focused on in providing biographical information about individuals, the positive aspects of the work and certain shortcomings are researched.

**Keywords:** Ibn Sa'd, al-Tabaqat al-Kubra, seerah, tabaqat, tarajim, shama'il, dalail, companion, follower, ghazat, sariyya.

**Аннотация.** В процессе изучения истории и культуры ислама в странах мира особое внимание уделяется первоисторическим источникам. Среди них особое место занимают биографические серии книг сира и тараджим. В этих книгах рассказывается о людях, сыгравших важную роль в истории ислама, таких как известные ученые, правители и полководцы. Среди источников в жанре табакат труд «Ат-Табакат аль-Кубра», написанный историком аббасидского периода Мухаммадом ибн Саадам Зухри (784-845), выделяется тем, что он охватывает историю Ислам от периода Джахилии до середины IX века и биографии мусульманских ученых, живших в этот период. Работа также имеет большое значение, поскольку дает информацию о деятельности ранних мусульманских ученых в Центральной Азии. В данной статье раскрывается значение произведения «Ат-Табакат аль-Кубра» как источника в направлении сира и тараджим. Также в статье анализируется общая структура произведения, его главы, темы, деление сахабов и табинов на классы, а также сведения о лицах, охваченных каждым классом. В статье исследуются аспекты, на которых акцентировал внимание автор при предоставлении биографических сведений о людях, положительные стороны работы и отдельные недостатки.

**Ключевые слова:** Ибн Саад, ат-Табакат аль-Кубра, сира, табакат, тараджим, шамаил, далаил, сахабы, табиин, газат, сарийя.

Ҳайъатлар мавзусидан сўнг, Ибн Саъд Расулulloҳ (с.а.в.)нинг шамоиллари масаласига тўхталган. Асарда «шамоил» ва «далоил» жанрларининг илк намунаси саналувчи маълумотлар Пайғамбар (с.а.в.)нинг Таврот ва Инжилдаги васфлари, у зотнинг ахлоқлари (сўзлашлари, таомланишлари, хутба қилишлари, намоз ўқишлари ва бошқ.), халқий сифатлари (ташқи кўринишлари), кийимлари, шахсий ашёлари

ва вақфлари каби сарлавҳалар остида тўпланган. Натижада Ибн Саъд ўз асарида «шамоил» адабиётининг илк намуналаридан бирини яратган. Жозеф Ҳоровиц Ибн Саъдни «далоил ан-нубувва» (пайғамбарлик далиллари) билан боғлиқ хабарларни илк бор жамлаган муаллифлардан бири сифатида таърифлаган (Jozef Horovitz, 1927: 112). Ибн Саъднинг ижоди Имом Термизийнинг

«аш-Шамоил ал-Муҳаммадия», Ибнул Жавзийнинг «ал-Вафо», Абу Нуайм Исфаҳонийнинг «Далоил ан-нубувва» ҳамда «Хилят ал-авлиё» ва Байҳақийнинг «Далоил ан-нубувва» асари каби ўздан кейин мазкур йўналишларда ёзилган кўплаб асарлар учун манба вазифасини ўтаган. Хусусан, Термизийнинг «Шамоил»идаги аксар бобларнинг номи «ат-Табақот ал-кубро»даги билан бир хил. Расулulloҳнинг ахлоқлари, ташқи кўринишлари, яшаш тарзлари, кийинишлари, сўзлашлари, шахсий буюмлари, егулик ва ичимликлари, ибодатлари, қолдирган вақфлари сингари мавзулар иккала муаллифда ҳам учрайди. «Расулulloҳнинг Таврот ва Инжилдаги васфлари», «Расулulloҳнинг уйлари ва аёлларининг ҳужралари», «Расулulloҳ сув ичган қудуқлар» сингари Ибн Саъд зикр қилган мавзулар «аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя»да учрамаганидек, «Расулulloҳнинг исмлари», «Расулulloҳнинг тушлари» каби Термизий ёритиб берган мавзулар «ат-Табақот ал-кубро»дан ўрин олмаган. Шунингдек, «ат-Табақот ал-кубро»нинг шамоил қисмидаги кўплаб ҳадислар Термизийнинг китобида ҳам айна шаклда қўлланилган.

Сийрат бўлимининг иккинчи жилди икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисм сарийя ва ғазотлар билан бошланган. Унда Пайғамбар (с.а.в.)-нинг дафн қилинишларигача бўлган ҳодисалар батафсил ёритилган. Ибн Саъд мазкур қисмда Пайғамбар (с.а.в.)нинг ғазот ва сарийяларини тамомила хронологик тартибда зикр қилган. Муаллиф ғазот ва сарийяларнинг тарихи, қаерда бўлиб ўтгани ва нечанчи ғазот ёки сарийя экани, байроқни ким ташигани, ғазот ва сарийяларда қандай усул қўлланигани, натижа қандай бўлгани каби кўплаб жиҳатларни қамраб олган. Ибн Саъд Пайғамбар (с.а.в.)нинг хасталанишлари, вафотлари, дафн қилинишлари, қолдирган мерослари ва у зот учун айтилган марсиялар каби мавзуларни баён қилиш билан биринчи қисмни тамомлаган. Иккинчи қисм «Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик вақтларида Мадинада фатво берган саҳобийлар», «Қуръони каримни жам қилганлар ҳамда Пайғамбар (с.а.в.)-нинг вафотларидан кейин фатво берган саҳобий ва тобейлар» номли бобларни ўз ичига олади. Мазкур иккинчи қисмда жами 22 киши зикр қилинган, эркаклардан ташқари аёллардан фақатгина Оиша (р.а.) ва Амра бинти Абдурахмонларнинг номи учрайди. Муаллиф бу ерда кишиларнинг тўлиқ биографиясига тўхталмай, асосан уларнинг илмий шахсияти борасида баҳс юритган.

Асарнинг учинчи жилдидан табақот бўлими бошланган. Ибн Саъд ўз асаридаги биографияларни тартибда энг аввало Умар (р.а.)нинг девон дафтаридаги тартибни асос қилиб олган. Ушбу тартибга кўра, саҳобийлар қуйидаги беш табақага ажратиб ўрганилган:

1. Муҳожир ва ансордан Бадр ғазотида қатнашганлар;
2. Муҳожир ва ансордан Уҳудда қатнашганлар;
3. Муҳожир ва ансордан Ҳандақда иштирок этганлар ва Макка фатҳигача мусулмон бўлганлар;
4. Макка фатҳи асносида ва ундан кейин мусулмон бўлган саҳобийлар;
5. Расулulloҳ (с.а.в.) вафот этганларида ёшлари кичик бўлган саҳобийлар.

Муҳожир ва ансордан Бадр ғазотида қатнашганлар табақаси асарнинг учинчи жилдидан ўрин олган. Икки йирик бўлимдан ташкил топган ушбу жилднинг биринчи бўлими муҳожирлардан Бадрда қатнашганларни ўз ичига олади. Муаллиф Умар (р.а.)нинг девон дафтарида асосланган ҳолда Бадрда қатнашган муҳожирлар рўйхатини Пайғамбар (с.а.в.) билан бошлаган. Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин у зотга насаб жиҳатидан яқинликни асос қилиб олган. Шу маънода «Бану Ҳошимдан бўлганлар» сарлавҳаси остида Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин иккинчи ўринда Ҳамза (р.а.)нинг биографияси келтирилган. Мазкур биринчи қисмда муҳожирлардан 85 кишининг биографияси келтирилган. Иккинчи қисмда эса ансорларнинг табақаси Саъд ибн Муоз (р.а.)нинг қабиласи бўлган Бану Абдулашҳал уруғидан бошланиб, ундан 256 та ансор саҳобийнинг ҳаёти ўрин олган. Ушбу жилднинг охирида Ақаба байъатида ансордан сайланган ўн икки нақиб ҳақида маълумотлар берилган. Энг охирида эса Бадрда иштирок этганлиги борасида ихтилоф мавжуд бўлган олти кишининг биографияси келган. Умуман олганда, саҳобийларнинг биринчи табақасида жами 342 та саҳобий ҳақидаги биографик маълумотлар келтирилган.

Асарнинг тўртинчи жилдидан саҳобийларнинг иккинчи табақаси – «Муҳожир ва ансордан Уҳудда қатнашганлар» табақаси ўрин олган. Бу табақада кимлар ҳақида сўз кетиши китобнинг аввалги қисмида «Бу табақа Бадрда қатнашмаган, ўзлари илк мусулмонлардан бўлган, кўплари Ҳабашистон хижратида қатнашган, Уҳуд ва ундан кейинги жангларда иштирок этганлардан таркиб топган» деб ёритилган. Мазкур табақадаги муҳожирлар қисми Бану Ҳошим уруғи вакиллари билан бошланади. Биринчи бўлиб Пайғамбар (с.а.в.)-

нинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.) ҳақида сўз кетади. Ушбу табақа муҳожирлардан 101 кишини ўз ичига олади. Ансорлар эса Авс қабиласининг Бану Абдулашхал уруғидан Шарик ибн Абул Ҳайсар (р.а.) билан бошланиб, унда жами 245 та ансорлар биографияси келтирилган. Ушбу табақада умумий ҳисобда 353 та саҳобий ҳақидаги маълумот мавжуд.

Асарнинг бешинчи жилди «Муҳожир ва ансордан Ҳандақда иштирок этганлар ва Макка фатҳигача мусулмон бўлганлар» табақасини ўзида жамлаган. Унда умумий ҳисобда 309 та саҳобийнинг таржимаи ҳоли ёритилган. Мазкур табақа Абул Ос ибн Рабиъ (р.а.) билан бошланиб, Амр ибн Суъдо (р.а.) биографиясида якунига етади.

Асарнинг олтинчи жилди саҳобийлар табақасининг тўртинчи ва бешинчи табақалари, яъни «Макка фатҳи асносида ва ундан кейин мусулмон бўлган саҳобийлар» ҳамда «Расуллуллоҳ (с.а.в.) вафот этганларида ёшлари кичик бўлган саҳобийлар»ни ўз ичига олади. Ушбу табақаларда жами 386 та саҳобий ҳақида маълумот келтирилган. Муаллиф тўртинчи табақани Абу Суфён ибн Ҳарб (р.а.) билан бошлаб, Абу Ҳамия Давсий (р.а.) да ниҳоясига етказди. Бешинчи табақа эса Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) билан бошланиб, Абдуллоҳ ибн Сайёд (р.а.) билан якунланади.

Ибн Саъд ўз асарининг 3-6 жилдларида эркак саҳобийлар биографиясини ёзиб тугатган. Асарнинг еттинчи жилдидан бошлаб саҳобийлардан кейин ислом умматининг энг хайрли насли бўлган тобейлар ҳақида ёзишга киришади. Еттинчи жилд тўлалигича мадиналик тобейлар ҳаётига бағишланган. Бу жилдда жами 890 та тобейлар биографияси баён қилинган. Муаллиф мадиналик тобейларни етти табақага бўлиб ўрганган. Ушбу табақалар олимлар ўз ривоятларини қайси саҳобийлардан олганига кўра тузилган. Мадиналик тобейларнинг дастлабки табақаси Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик вақтларида дунёга келган, асосан Абу Бакр ва Умар (р.а.)дан ҳадис ривоят қилган Жубайр ибн Ҳувайр таржимаи ҳоли билан бошланади. Ундан кейин мадиналик тобейларнинг биринчи табақасини ташкил қилувчи ансорий ва маволийлар биографияси келтирилади.

Асарнинг саккизинчи-тўққизинчи жилдларида муаллиф шахсларни табақаларга ажратишда янгича услуб қўллаган. Энди Ибн Саъд шахсларни мусулмон бўлиш тарихи ва насабига кўра тартиблаш баробарида асосий эътиборни макон унсурига қаратган. Ибн Саъд ҳар табақада аввал

саҳобий, сўнгра тобей ва табаа тобейларни зикр қилган. Шахсларни навбати билан Макка, Тоиф, Яман, Ямома, Баҳрайн, Куфа... шаклида географик тартибда келтирган. Бундай таснифлашда энг аввал ўша шаҳарга борган саҳобийлар зикр қилинган. Аммо, мазкур қисмларда келтирилган саҳобий биографиялари аввалги бўлимларга нисбатан анча қисқа ифодаланган. Саҳобийлардан кейин эса улардан ҳадис ривоят қилган тобей ва таба тобейларнинг таржимаи ҳоллари келтирилган.

Асарнинг саккизинчи жилдида биринчи бўлиб Маккада яшаган шахслар тилга олинган. Макка бўлими Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан кейин Маккага қайтиб, ўша ерда яшаб қолган Абу Сабра ибн Абу Рухм (р.а.) билан бошланади. Кейин эса Умар (р.а.)дан ҳадис ривоят қилган тобейлар жами беш табақада кўриб чиқилади. Маккаликлардан сўнг тоифликлар, улардан кейин эса яманликлар келтирилган. Ямома ва Баҳрайн аҳли зикр қилингандан сўнг ушбу жилднинг учдан икки қисмини ташкил қилувчи Куфа олимлари қисми бошланади. Куфаликлар тўққиз табақага бўлиб ўрганилган. Шундай қилиб, мазкур жилдда тобей ва таба тобейларни тартиблашда шаҳарлар асос қилиб олиниб, аввало Абу Бакр, Умар ва Али (р.а.) дан ҳадис ривоят қилган муҳаддис ва фақиҳлар биографияси келтирилган. Ушбу жилд жами 1350 кишининг таржимаи ҳолини ўз ичига олади.

Асарнинг тўққизинчи жилдида Арабистон яриморолидан ташқаридаги шаҳарларда яшаган саҳобийлар ва улардан ҳадис ривоят қилган фақиҳлар, қироат олимлари, муҳаддислар биографияси келтирилган. Биринчи бўлиб Басра шаҳрида яшаган шахслар ҳақида сўз юритилади. Басраликлар бўлими Утба ибн Ғазвон (р.а.) билан бошланади. Ундан кейин «Умар (р.а.)нинг издошларидан басралик фақиҳлар, муҳаддислар ва тобейларнинг улуғлари» сарлавҳаси остида бир муддат Басрада волий бўлган саҳобий Абу Марям Ҳанафий (р.а.) ҳақида сўз юритилади. Басра аҳли жами олти табақага жамланган.

Мазкур жилднинг кейинги қисмларида Восит, Мадоин, Бағдод, Хуросон, Рай, Ҳамадон, Қум, Анбар ҳудудларига бориб ўрнашган саҳобий ва тобейлар зикр қилинган. Шом бўлимида бу диёр аҳли саккиз табақага бўлиб ўрганилган. Кейинги қисмларда ал-Ҳазира, Миср, Айла, Иффрикия ва энг охирида ислом оламининг Европа китъасидаги бир парчаси бўлган Андалус ҳақида сўз юритилади. Тўққизинчи жилдда жами 1273 кишининг таржимаи ҳоли баён қилинган.

Ибн Саъднинг 8-9 жилдларда зикр қилган биографиялари орқали саҳобийларнинг тарқалиш географиясини ўрганиш мумкин. Шунингдек, ушбу маълумотлар шаҳарларнинг илмий марказга айланиш жараёни ва улардаги илмий муҳитни ҳам ёритиб беради (Derya Korkmaz, 2020: 63).

Асарнинг «Табақот ан-нисо» деб номланган ўнинчи жилди тўлалигича аёллар табақотини ўз ичига олади. Ибн Саъд аёллар табақотини ёзган илк муаллиф сифатида ҳам эътироф этилади. У аёллар табақасини ёзишда ҳам Умар (р.а.)нинг девон дафтаридаги тартибни асос қилиб олган. Табақаларда аввало Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари, сўнгра муҳожир аёллар, кейин ансордан бўлган аёллар, охирида эса тобеинлардан бўлган баъзи аёллар зикр қилинган. Табақаларнинг ичида эса насаблар бўйича тартиб қўлланган. Асарда таржимаи ҳолларнинг насабга кўра табақаларга ажратилиши такрорларни ожайтирган.

Ибн Саъд ўз асарининг «Табақот ан-нисо» қисмини аёлларнинг байъати мавзуси билан бошлаган. Унинг аёллар байъатига доир ривоятлари ўрганилганда, ушбу байъатлар турлича кўринишда бўлгани ойдинлашади. Мисол учун, парда орқасида турилгани, Пайғамбар алайҳиссаломнинг қўллари устига бирор матони кўйиб олганлари, байъат учун Умар р.а.нинг вакил қилиниши каби ҳолатлар учрайди. Шунингдек, Ибн Саъд қайси масалалар бўйича байъат олингани, аёлларнинг бу масалалар бўйича саволларига жавоб берилиши каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратган.

Ибн Саъд аёлларнинг байъати ҳақидаги мавзунини тамомлагандан сўнг, уларни куйидаги табақаларга ажратган ҳолда ўрганган:

1. Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёллари, қизлари, аммалари, амакиваччалари;
2. Қурайш қабиласи ва уларнинг иттифоқчилари ҳамда мавлоларидан байъат қилган мусулмон аёллар ва кўп танилмаган араб аёллари;
3. Ансорлардан байъат қилган аёллар;
4. Пайғамбар алайҳиссаломдан ҳадис ривоят қилмаган, балки у зотнинг аёллари ва бошқа саҳобийлардан ҳадис ривоят қилган аёллар.

Ибн Саъд аёллар таржимаи ҳолини ёзишга киришар экан, даставвал умумий биографик маълумотларни келтиришга уринган. Хусусан, аёлларнинг исми, кунyasi, насаби, таваллуд ва вафот йиллари, ташқи кўриниши ва шахсий фазилатлари ҳамда исломга кириш шакли ва тарихи, ислом йўлидаги хизматлари ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтган.

«Табақот ан-нисо» жилдида Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари биографияси алоҳида бўлимда жуда ҳам батафсил ривоятлар билан баён этилган. Набий (а.с.)нинг аёллари сони, уларнинг никоҳ муддатлари, маҳрлари, яшаган уйлари, оилавий ҳаётлари, у зотнинг аёллари ўртасида бўлиб ўтган ишлар ва бошқа муҳим мавзулардаги ривоятлар келтирилган. Китобнинг сўнггида эса, бевосита Пайғамбар (с.а.в.)дан эмас, балки у зотнинг аёлларидан ҳадис ривоят қилган тобейий аёллар биографияси ёритилган. Аёллар табақаси жилдида жами 629 та таржимаи ҳол келтирилган.

Асарнинг «Мактабату-л-Хонжий» нашрида ўн биринчи жилд ҳам мавжуд бўлиб, мазкур жилд оятлар, ҳадислар, шахс номлари, жой номлари, атамалар кўрсаткичларидан иборат.

## МУҲОКАМА

Ибн Саъд шахсларнинг таржимаи ҳолини ёритишда бир қатор жиҳатларга эътибор қаратган. У аввало шахснинг исми, насаби, лақаби ва кунyasiни келтиради. Ота-онасининг насабини, аёли ва фарзандларини санаб ўтади, сўнгра вафот тарихи ва жойи ҳақида маълумот беради. Муаллиф саҳобийлар орасидан машҳур бўлганларини зикр қилишда уларнинг мусулмон бўлиши, Пайғамбар (с.а.в.) билан боғлиқ хотиралари ва фазилатларига тўхталиб ўтади. Баъзи ҳолларда шахснинг моддий ҳолати, ташқи кўриниши, соч-соқолини бўяб-бўямагани, кийиниши каби майда элементларгача баён қилганини кўриш мумкин.

Асарнинг табақот бўлимида шахслар табақаларга бўлиб жойлаштирилган. Муаллиф қўллаган бу услуб баъзи ҳолларда шахсларнинг такрорланишига сабаб бўлган. Мисол учун, муаллиф Али (р.а.)ни учта бўлимда зикр қилган. Биринчи марта у ҳақида «Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаётлик вақтларида ва у зотдан кейин Мадинада фатво берган саҳобийлар» бобида ёзган. Бунда муаллиф кўпроқ Али (р.а.)нинг илми ҳақида маълумот беради (Ибн Саъд, 2001: 337-340). Иккинчи марта у ҳақида «Бадр жангида қатнашганларнинг биринчи табақаси» бобида маълумот келтирилган. Бу ўринда Али (р.а.)нинг туғилишидан то вафотигача бўлган таржимаи ҳоли, сиёсий ва ижтимоий фаолияти, халифалик пайтида содир бўлган ҳодисалар батафсил баён қилинган. Учинчи марта унинг исми Куфа аҳли ҳақидаги бобда келган. Бу жойда муаллиф Али (р.а.)нинг қисқача таржимаи ҳоли билан чекланган.

Ибн Саъд таржимаи ҳолини келтирган кишиларнинг тартиб бўйича исми, куняси, ота-онасининг исми, ака-ука, опа-сингиллари, жиянлари, аёли ва фарзандларининг исмига тўхталади. Шунингдек, бу оиладан машҳур кишилар чиққан бўлса, уларни ҳам алоҳида зикр қилиб ўтади. Ибн Саъд асарнинг сийрат бўлимида берган насабномага манба сифатида Ҳишом ибн Муҳаммад ибн Соиб Калбийни кўрсатади. Бироқ, табақот бўлимида насаб ва оила маълумотларини беришда маълумотларнинг манбасини, санадларини келтирмаган ва бу ҳолат унинг ишончли манбалардан фойдалангани билан изоҳланади. Насаб борасида баъзи шахсларнинг исми, куняси, фарзандлари, фарзандларининг онаси, фарзандларидан насли давом этгани ёки этмагани, фарзандларининг шахсий фазилатларини ёритишга ҳаракат қилади.

Бундан ташқари, муаллиф исм рўйхатларига ҳам алоҳида ўрин ажратган. Бу рўйхатлар орасида «Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар», «Ансордан биринчи бўлиб мусулмон бўлганлар», «Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га душманлик қилганлар», «Ақабада қатнашганлар» ва турли ғазотларда шаҳид бўлганларнинг рўйхатлари учрайди. Муаллиф Мусо ибн Уқба, Муҳаммад ибн Исҳоқ, Абу Маъшар, Ибн Калбий ва Воқидийдан олган бу рўйхатларини улар иттифоқ қилган ва ихтилофга борган масалаларга қиёслаган ҳолда келтирган.

Ибн Саъд бир шахснинг насаб маълумотларини берганидан кейин, унинг исломга кириш тарихи, бу жараёнда бошидан ўтказган ҳодисалар, Мадинага ҳижрати, қатнашган жанглари ва дин йўлидаги хизматлари ҳақида тўхталади. Мисол учун, Ҳорис ибн Ҳазама (р.а.) ҳақида шундай ёзади: «Ҳорис ибн Ҳазама ибн Адий ибн Убай ибн Ғаним ибн Солим ибн Авн ибн Амр ибн Авф ибн Ҳазра-Ж. У Кавокиладан бўлиб, Бану Абдулашъалнинг иттифоқчиси бўлган. Ҳориснинг уйи Бану Абдулашъалнинг юртида жойлашган эди. Ҳорис «Абу Бишр» куняси билан танилган. У Расулulloҳ (с.а.в.) билан ҳамма жангларда, жумладан, Бадр, Уҳуд ва Хандақда қатнашган. У 662 йилда, 67 ёшида Мадинада вафот этган. Ўзидан кейин насли давом этмаган».

Ибн Саъд кишиларнинг жисмоний ҳолати, феъл-атвори, ташқи қиёфаси, юриш-туриши, кийиниши ҳақида ҳам маълумот берган. Мисол учун: «Убода ибн Сомит узун бўйли, гавдали, чиройли ва ёқимли одам эди», деб ёзади. «Муоз

ибн Жабал кўриниши ва ахлоқи жиҳатидан одамларнинг энг чиройлиси, бирор нарсани таъқиқлашда уларнинг энг бағрикенги эди». «Абу Мусо Ашъарий Нухайлада Муовиянинг олдига борди. Унинг бошида қора салла, эғнида қора жуббаси бўлиб, қора ҳасса тутиб олган эди». «У (Абдуллоҳ) Абу Мусо Ашъарийни тасвираб шундай деди: «У танаси нимжон, бўйи паст, сийрак соқолли одам эди». Кўриниб турибдики, Ибн Саъд шахслар ҳақида ёзар экан, улар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берадиган маълумотларни келтиради.

Ибн Саъд сўз юритилаётган кишилар шаҳид бўлган бўлса, уларнинг вафот саналари ва жаноза маросимлари ҳақида ҳам маълумот беради: «Абу Қайс ибн Ҳорис Абу Бакр Сиддиқ халифалик даврининг 12-йилида, Ямома қунида шаҳид бўлди». «Язид ибн Сакан Уҳудда шаҳид бўлган». «Ибн Саид Абу Жаъфар Мансурнинг халифалик даврида Куфада қозилик вазифасини бажарган ва қозилик пайтида вафот этган. Ҳошимияда, Абу Жаъфар тарафидан Куфа кўприги ёнига қурилган манзилга дафн этилган». Бу ўринда Ибн Саъд маълумотларни ўта аниқлик билан келтирганига гувоҳ бўламиз.

## НАТИЖА

Ибн Саъд машҳур саҳобийлар ҳақида кўпроқ маълумот беришга уринган. Баъзи кишиларнинг Пайғамбар (с.а.в.)га яқинроқ бўлгани ёки шахсларнинг тарихий ҳодисаларда муҳим рол ўйнагани улар ҳақида тўлиқроқ маълумот берилишига сабаб бўлган. Бироқ, бу ҳолат ўзи яшаган даврда у қадар ҳам машҳур бўла олмаган кишилар ҳаётини ўрганишни мушкуллаштиради. Саҳобийлар орасидан рошид халифалар, ашъарай мубашшара, Ҳасан ва Ҳусайн (р.а.)лар ва Умар ибн Абдулазиз каби шахслар таржимаи ҳолига кенг ўрин ажратилган.

«Ат-Табақот ал-кубро»даги шахсларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолияти ҳақида маълумот берилиши ўша давр ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Хусусан, Ибн Саъд таржимаи ҳоллари келтирилган халифаларнинг замонида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни, турли давлат муассасалари фаолияти ва бошқалар ҳақида батафсилроқ сўз юритишга ҳаракат қилган. Асардан лавозимлар, мансаблар, ўша давр бошқарув тизими ҳақида маълумот олиш мумкин.

Ибн Саъд саҳобийлар ҳақида кенгрок маълумот берса-да, тобей ва таба тобейлар ҳақида бундай ёндашмаган. Айниқса, ўзи яшаган даврга яқинлашган сари маълумотларни нисбатан мухтасар тарзда баён қилади. Ҳатто, баъзи шахслар биографиясида уларнинг исмигина зикр қилиниб, бошқа бирор маълумот келтирилмайди.

Ибн Саъд шахслар ҳақидаги биографик маълумотларни тўлиқ келтирганидан сўнг, охирида улар ҳақида ўз фикрини билдириб ўтган. Тобей ва таба тобейга мансуб олимларнинг кўп ҳолларда ҳадис ривоятидаги ҳолатларини баён қилган, уларнинг ишончли ёки ишончсиз эканини қисқача ифодалаб кетган. Хусусан, Зухрий (ваф. 742) ҳақида шундай ёзади: «Ровийлар дедиларки: «Зухрий кўп ҳадис ривоят қилган сиқа ва ишончли ровий эди. Шу билан бирга, у фақиҳ ҳам бўлган. Ҳар соҳада кенг билимга эга эди». Ибн Саъд аксар олимларни жарҳ ва таъдил мезонига солгани билан мазкур илмлар ривожига ўз ҳиссасини қўшган. У саҳобийларнинг барини одил деб ҳисоблагани учун жарҳ ва таъдил хусусида уларга нисбатан бирор қараш билдирмаган.

### ХУЛОСА

Хулоса шуки, «Ат-Табакот ал-кубро» асаридан асосан ислом тарихига доир мавзулар ўрин олган. Асар жоҳилия, илк ислом даври, рошид халифалар, умавийлар ва аббосийлар даврида яшаган шахслар ва уларнинг фаолияти бўйича муҳим маълумотларни тақдим қилади. «Ат-Табакот ал-кубро» асари сийрат-мағозий ва табакот бўлимларидан таркиб топган. Муаллиф асарнинг сийрат бўлимини шакллантиришда Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётлари, ғазот ва сарийлари, шамоиллари ҳамда пайғамбарлик далиллари ҳақидаги мавзуларни асос қилиб олган. Табакот бўлимида эса, ислом тарихининг дастлабки икки асридаги шахслар саҳобий, тобей ва улардан кейинги олимлар сифатида таснифланган. Асарда аёллар мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, сўнги жилд тўлалигича саҳобий аёллар биографиясига бағишланган.

Ибн Саъд маълум шахс ҳақида ёзар экан, аввало унинг исми, куня ва лақаби ҳамда қабиласини келтириб, сўнгра ота ва она томондан насаби, оиласи, исломга кириш тарихи, ислом йўлидаги хизматлари, олиб борган фаолияти ва вафоти ҳақида маълумот беради. Ушбу маълумотлар таржимаи ҳоли ёритилаётган шахс ҳақида тўлиқ

тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шунга ўхшаш кўплаб жиҳатлари билан «ат-Табакот ал-кубро» асари сийрат ва тарожимга оид муҳим манба вазифасини ўтайди.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ибн Саъд. (1957). ат-Табакот // Ношир Эҳсон Аббос. Ж. 1. Байрут: Дору Содир.
2. Ибн Саъд. (2001). Китоб ат-Табакот ал-кабир. Ж. 1. Қоҳира: Мактабатул-Хонжий.
3. Муҳаммад ибн Саъд. (1987). ат-Табакот ал-кубро: ал-қисм ал-мутаммим ли табиъии аҳл ал-Мадина ва мин баъдихим. // Таҳқиқ: Зиёд Муҳаммад Мансур. Мадина: Мактаба ал-улум ва-л-ҳикма.
4. Муҳаммад ибн Саъд. (1993). ат-Табакот ал-кубро: ат-табақа ал-хомиса мин ас-саҳоба. // Таҳқиқ: Муҳаммад Сомил Сулабий. Тоиф.
5. Муҳаммад ибн Саъд. (1995). ат-Табакот ал-кубро: ат-табақа ар-робийа мин ас-саҳоба. // Таҳқиқ: Абдулазиз Абдуллоҳ Салумий. Тоиф: Мактаба ас-Сиддик.
6. Муҳаммад ибн Саъд. (1995). Суна ан-Набий ва аямуху ли хофиз Ибн Саъд. // Таҳриж: Абдуссалом ибн Муҳаммад ибн Умар Алуш. Байрут: ал-Мактаба ал-исламий.
7. Муҳаммад ибн Солиҳ Сомирий. (2010). Ибн Саъд, манҳажуху ва маваридуху фи китабиҳи «ат-Табакот ал-кубро». Куллия ад-дироса ал-исломийя. Дор ал-имдод ад-дин.
8. Bir Alim Bir Eser (2015). // İbn Sa'd ve Tabakât - Sempozyum Bildirileri. İstanbul: Siyer Yayınları.
9. Derya Korkmaz. (2020). İbn Sa'd ve Tabakatında Kadınlar. Erzurum: Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü İslâm Tarihi ve Sanatları Anabilim Dalı.
10. İbn Sa'd. (2019). Hanım Sahabiler. İstanbul: Siyer Yayınları.
11. Jozef Horovitz. (1927). The Earliest Biographies of the Prophet and Their Authors // translated from German by Marmaduke Pickthall. Islamic Culture, vol 1. Muhammed b. Sa'd. (2014). Kitâbü't-Tabakâti'l-Kebîr. C. 1-11 İstanbul: Siyer Yayınları.
12. Şaban Öz. (2008). İlk Siyer Kaynakları ve Müellifleri. İstanbul: IRCICA Yayınları.
13. Tuba Nur Saraçoğlu. (2022). İbn Sa'd // Siyerin Öncüleri (10). İstanbul, Siyer Yayınları.
14. Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: TDV Yay. 2016.

### REFERENCES

1. Ibn Sa'd. (1957). at-Tabaqat // published by Ihsan Abbas. Vol. 1. Beirut: Daru Sadir.
2. Ibn Sa'd. (2001). Kitab at-Tabaqat al-kabir. Vol. 1. Cairo: Maktabatul-Khanji.

3. Muhammad ibn Sa'd. (1987). at-Tabaqat al-kubra: al-qism al-mutammim li tabi'ii ahl al-Madina wa min ba'dihim. // Tahqiq: Ziyad Muhammad Mansur. Madina: Maktaba al-ulum wa-l-hikma.
4. Muhammad ibn Sa'd. (1993). at-Tabaqat al-kubra: at-tabqa al-khamisa min as-sahaba. // Tahqiq: Muhammad Samil Sulami. Taif.
5. Muhammad ibn Sa'd. (1995). at-Tabaqot al-kubro: at-tabqa ar-robi'a min as-sahoba. // Tahqiq: Abdulaziz Abdullah Salumi. Taif: Maktaba as-Siddiq.
6. Muhammad ibn Sa'd. (1995). Sunan an-Nabi va ayamuhu li hafiz Ibn Sa'd. // Takhrif: Abdussalam ibn Muhammad ibn Umar Alush. Beirut: al-Maktaba al-islamiy.
7. Muhammad ibn Salih Samiri. (2010). Ibn Sa'd, manhajuhu wa mawariduhu fi kitabihi «at-Tabaqat al-kubra». Kulliya ad-dirasa al-islamiyya. Dar al-imdad ad-din.
8. Bir Alim Bir Eser (2015). // İbn Sa'd ve Tabakât - Sempozyum Bildirileri. İstanbul: Siyer Yayınları.
9. Derya Korkmaz. (2020). İbn Sa'd ve Tabakatında Kadınlar. Erzurum: Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü İslâm Tarihi ve Sanatları Anabilim Dalı.
10. İbn Sa'd. (2019). Hanım Sahabiler. İstanbul: Siyer Yayınları.
11. Jozef Horovitz. (1927). The Earliest Biographies of the Prophet and Their Authors // translated from German by Marmaduke Pickthall. Islamic Culture, vol 1. Muhammed b. Sa'd. (2014). Kitâbü't-Tabakâti'l-Kebîr. C. 1-11 İstanbul: Siyer Yayınları.
12. Şaban Öz. (2008). İlk Siyer Kaynakları ve Müellifleri. İstanbul: IRCICA Yayınları.
13. Tuba Nur Saraçoğlu. (2022). İbn Sa'd // Siyerin Öncüleri (10). İstanbul, Siyer Yayınları.
14. Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: TDV Yay. 2016.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,  
мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

4/2023

*Бош муҳаррир:* **Ж.Каримов**

*Муҳаррир:* **З.Фахриддинов**

*Нашр учун масъул:* **З.Арслонов**

*Чет тилларидаги матнлар муҳаррири:* **О.Сотволдиев**

*Дизайнер-саҳифаловчи:* **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

**E-mail:** [info@maturidiy.uz](mailto:info@maturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишга 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.  
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 20.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

 moturidiyuz

 [www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

 +99871 244-35-36